O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ислом КАРИМОВ:

Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 2-iyun • Shanba • 65 (27.710) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

БОЛАЛАРГА АТАЛГАН БАЙРАМ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Н.Усмонова). *Рафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб хайрия тадбири ўтказилди.*

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирга шаҳримиздаги Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, кам таъминланган, серфарзанд оилалар ўғил-қизлари таклиф этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Акром Алимов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлоднинг баркамол шахслар бўлиб вояга етишига оид масалалар давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан этиб белгиланганини таъкидладилар.

Бу борада қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига кўра юртимизда янгидан-янги таълим масканлари барпо этилмоқда. Замонавий ўқув-техник жиҳозлар, мебель, лаборатория ускуналари билан таъминланган ушбу масканларда таълим жараёнининг сифати ва мазмунини янада юксалтиришга катта эътибор қаратилаётир. Янгидан қуриб фойдаланишга топширилаётган спортсоғломлаштириш мажмуалари, бадиий ижодиёт масканлари болаларнинг жисмонан ва маънан етук шахслар бўлиб камолга етишига хизмат қилмоқда.

Тадбир доирасида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирокида концертлар, викториналар, спорт мусобақалари, асфальтга расм чизиш бўйича танловлар ўтказилди. Голибларга совғалар топширилди.

ПОПДА ЯНГИ ШИФОХОНА

Суратларда: *бош врач Гулчеҳра Қурбонова (ўртада) ҳамкасблари билан; янги шифохонанинг умумий кўриниши.*

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

Яқинда поплик фидойи инсон Эсонали Қурбоновнинг моддий қўллаб-қувватлови туфайли «Умид-Мурод АФУ» хусусий фирмасига қарашли «Диагностика ва соғломлаштириш мажмуаси» қурилиб ишга туширилди. Эсонали аканинг тўнғич қизи Гулчеҳра ўз сингиллари Гулбаҳор, Гулжамол, Моҳичеҳра, Гулмираларни ёнига олиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни бошлади.

— Мажмуамизда терапия, неврология, урология, ЛОР ва лаборатория бўлимлари ишлаб турибди, — дейди Гулчеҳра Қурбонова. — Ўзим йигирма икки йилдан буён акушер-гинеколог бўлиб ишлаётганим боис, имкон қадар хотин-қизларга малакали хизмат кўрсатишга интиляпман.

Ўн тўққиз нафар врач ва ҳамширани иш билан таъминлаган янги шифо масканида уруш фахрийларига бепул хизмат кўрсатилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллигини муносиб кутиб олиш, бу қутлуғ сана муносабати билан мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқ ва натижаларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат бўлмиш мустақилликнинг беқиёс аҳамияти, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси «Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини 20 кун муддатда ишлаб чиқсин.

3. Мустақиллик байрамига бағишланган тадбирлар ва тантанали маросимларни кўтаринки руҳ ва кайфиятда, ташкилий, ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак савияда, аҳолининг барча қатламлари, кенг жамоатчилик иштирокида ўтказиш учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларига алоҳида тадбирлар режасини тайёрлаш ва амалга ошириш тавсия этилсин.

Ушбу тадбирлар режасида қуйидаги масалаларга эътибор қаратилсин:

истиқлолнинг ёш авлод тақдирида, уларнинг замонавий дунёқараши, билим ва тафаккури, фаол гражданлик позициясини шакллантириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашдаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини, йигит-қизларимизнинг ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраш борасида эришаётган ютуқларини аниқ ҳаётий мисоллар орқали кўрсатиш ва кенг тарғиб этиш;

хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, эл-юрт таянчи бўлмиш оила институтини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, унинг фаровонлигини ошириш бўйича, жумладан, «Ижтимоий ҳимоя йили» дастури доирасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттириш;

мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, юртимиз шуҳратини дунёга таранним этиш, ёшларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашда ўз шахсий ибрати ва ҳаётий тажрибаси билан намуна кўрсатаётган, эл-юртга хизмати сингган кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, фахрийларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, улар иштирокида турли суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар уюштириш;

истиқлолимиз билан боғлиқ эзгу тушунчаларни янада чуқурроқ англаш, унинг қандай кураш ва машаққатлар, фидокорона меҳнат ва қатъият эвазига қўлга киритилгани, кенг кўламли ислоҳотларимиз моҳияти эътибори билан инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганини таъсирчан усуллар орқали ёритиш, миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсоннинг жамиятимиздаги туб ўзгаришлардаги иштироки, ҳаётга онгли муносабати, дахлдорлик туйғуси ва масъулият ҳисси, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик фазилатлари тобора кучайиб бораётганини, бу эса барча ютуқларимизнинг, бугунги ва эртанги тараққиётимизнинг асосий шарти ва гарови бўлиб хизмат қилаётганини ҳар томонлама чуқур очиб бериш.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида марказда ва жойларда амалга оширилаётган тадбирлар режасини бажариш бўйича ҳисоботларни мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда Ватанимиз истиқлолини тараннум этадиган энг яхши қўшиқ ва мусиқий асарлар учун республика танловини ўтказиш мақсадида унинг низомини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин. Танлов ғоблиари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган «Энг улуғ ва энг азиз» анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида «Ниҳол» мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

11. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг ўн олти йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 30 май

КЎНГИЛЛАРНИ ТОҒДАЙ КЎТАРИБ

Кеча Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши Оқдарё туманидаги 63-махсус мактаб-интернатда «Болаларга беринг дунёни» деб номланган байрам тадбирини ўтказди. Ёзги мавсумда оромгоҳларда дам олишга ҳозирлик кўраётган 50 нафар тарбияланувчига вилоят партия кенгашининг совғалари улашилди.

— Партиямизнинг бундай эътиборли ва савобли ишларидан кўнглимиз тоғдай кўтарилди, — дейди мактаб-интернат бош тарбиячиси, ЎзХДПдан халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Зебо Ёқубова. — Бу ердаги ҳар бир бола ўзимизнинг фарзандимиздек азиз. Улар орасида бизнинг электоратимизни ташкил этувчи аҳоли қатлами фарзандлари ҳам бор. Айниқса, улар партия ташкилотларимиз, депутатларимизнинг доимий эътиборида.

— Бизга таълим бераётган муассасада 300 га яқин ёшлар тарбияланади, — дейди мактаб-интернат ўқувчиси Феруза Жуманова. — Бутун дунёда нишонланадиган Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида бизни кўплаб мурувватли инсонлар сўраб келишди. ЎзХДП вакиллари эса ҳар байрамда биз билан бирга. Бундан барчамиз хурсандмиз.

Ушбу байрам муносабати билан ЎзХДП Пайариқ, Булунғур, Каттақўрғон, Жомбой ва бошқа туман кенгашлари ҳам болажонларнинг қувончларига қувонч қўшишди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ

ҲИМОЯ

Бизга уқтирарди ҳамиша отам,
Икки хил инсонга боқинг деб ҳар дам.
Бири ёш бола-ю бириси кекса,
Ҳимояга муҳтож иккаласи ҳам.

Абдулла ОРИПОВ,
2007 йил, 1 июнь.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Табиат ва биз

СИРДАРЁНИНГ ЎРДАГИ БОР, ҒОЗИ БОР

ёки Сайхун бўйларини макон тутган парранда-ю даррандалар, уларни муҳофазалаш, кўпайтириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида

Тоғ сокин, тоғ тошқин кўринган Сирдарё шу номдаги вилоятнинг учта тумани ҳудудидан оқиб ўтган. Бу ерлардаги турли-туман ўт-ўланлар, дов-дарахтлар билан қопланган 120 километрдан зиёдроқ дарё соҳиллари ўта мафтункор, айни дамда сирли-синоатли бўлиб туюлади. Мавжланиб, тўлқин-тўлқин бўлиб оқаётган азим Сайхун Гулистон, Сайхунобод ва Сирдарё туманларига қарашли далаларни ортда қолдириб, олис-олис манзилларга оби-ҳаёт элтиш учун шошилгани шошилган. Дарёнинг сўлим ва сокин соҳиллари, ўзанидан тоғ тошиб, тоғ сизиб чиққан сувлардан ҳосил бўлган ирмоқлар, катта-кичик кўл ва кўлчалар атрофи бугун шу қадар бетакрор, жозибали, кўркам кўриниш кашф этганки, таърифига тил ожиз. Таъбир жоиз бўлса, ҳар қандай уста мўйқалам соҳиби ҳам бу каби манзаралар қаршисида лол қолиши муқаррар. Бу ернинг қушларини айтмайсизми? Айни пайтда табиатнинг бу сўлим гўшаларини юзлаб турдаги миллионлаб бир-биридан сайроқи, бир-биридан чиройли парранда-ю даррандаларнинг макон тутганлиги ҳам бежиз эмас. Тўқайзорлар беданалар тўдасига бойки, қамишлар ўсиб ётган ирмоқларда, кўлларда сайроқи қушлар бирам хониш қиладики, асти қўяверинг. Тўлқинларга тўш урган оққушлар, дарё узра қанот қоққан ғозлар, ўрдаклар, қамишзорлар оралаб ризқу насибасини териб юрган тустовуғу сисаркалар... Уларни номма-ном санашга ақлинг шошади. Айримлари шу ерларда қишлаб қолган, айримлари эрта кўкламда иссиқ ўлкалардан учиб келган. Уларни қўриқлаш, муҳитга мослаштириш, тухум қўйиб, полапон очишлари учун шароитлар яратиш, ҳатто хонакилаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни айтмайсиз? Тўғри, бу борада кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилаётган, изланаётган, янгиликлар яратаётганлар ишида ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Яхшиси, булар ҳақида мутахассислар, шу иш билан бевосита шуғулланаётганлар ва холис фуқароларнинг фикрларига қулоқ тутайлик.

Олим БЕГИЕВ, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи:

— Дарё ўзани бўйлаб юрсангиз Мирзаобод, Сайхунобод, Сирдарё туманлари ҳудудларида катта-кичик еттита кўлга дуч келасиз. Уларнинг энг кичиги 54 гектар, энг каттаси эса 380 гектарлик майдонни «ишғол» қилган. Эътибор берган бўлсангиз, кўлларнинг номланиши ҳам ўзига хос: Турнакўл, Қийшиққўл, Юқори ва Пастки Қолгансир, янги ва эски Шўрқўл, Сайхункўл. Шулардан энг йириги Сайхункўл бўлиб, унинг базасида МДҲ ичида ягона бўлган республика бионазоратига қарашли ёввойи қушларни урчитиш ва кўпайтиришга ихтисослашган махсус хўжалик фаолият кўрсатмоқда.

Пётр ЛЕВАШИН, «Сайхун» ихтисослашган хўжалиги ишчиси:

— Ёввойи ғоз, ёввойи ўрдак, сисаркаларнинг 200 та тухумини инкубаторларга қўйган эдик. 28-30 кун деганда шулардан 168 та жўжа чиқди. Уларнинг олди икки ҳафталик бўлди. Яна 2,5-3 ойдан сўнг бу жўжаларни табиат қўйнига қўйиб юборамиз. Ҳозир эса инкубаторларимизга 300 та қийқироқ оққуш, қизил ғоз, қошиқбурун ва соққоқушларнинг тухумларини жойлаганмиз. Диққат билан назорат қилиб турибмиз. Узоғи билан икки ҳафта ичида жўжалар тухумларни ёриб чиқишлари керак. Шу тариқа дарё бўйлари табиатини йил давомида камида 500-550 та ёввойи қушлар билан бойитамиз. Албатта, иш бор жойда камчилик ҳам топилади. Айтайлик, табиатнинг бир бўлаги бўлган ёввойи қушлар парранда-даррандаларни озуқа билан таъминлаш учун маккажўхори, буғдой, арпа экиш зарурати бор. Масалан, бу йил бир амаллаб 15 гектар ерга маккажўхори, 3 гектар ерга буғдой, 3 гектар ерга арпа экдик.

2-бет

«ҚАЛБИМНИ СЕНГА БАҒИШЛАЙМАН»

«Дунёдаги энг бахтли инсон ким?» — деб сўрашибди донишманддан. — «Ғўдагини бағрига босаётган она. Бир фарзандини елкасида кўтариб, иккинчисининг қўлидан етаклаб кетаётган ота!», жавоб берибди у. Дарҳақиқат, фарзанд авлодимиз давомчиси, келажагимиз эгаси, меҳр-муҳаббатимиз меваси. Бола поклик, эзгулик тимсоли.



2-бет

ЎзХДП ТАШКИЛОТЛАРИ ВА БАРЧА ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига 2007 йилнинг иккинчи ярим йиллигига обуна давом этмоқда. Обуна «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида қабул қилинмоқда.

Газеталаримиз йилнинг охиригача ўз «оёғи» билан уйингизга, ишхонангизга кириб боришини хоҳласангиз обуна бўлишни унутманг.

Шошилинг, вақт оз қолди, йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна 20 июнга қадар қабул қилинади.

«ҚАЛБИМНИ СЕНГА БАҒИШЛАЙМАН»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кеча ана шу беғубор болажонлар байрами — юртимизда кенг нишонланди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Чилонзор туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги 215-мактабгача таълим муассасасида байрам тадбири уюштирилди. «Қалбимни сенга бағишлайман, болажон!» деб номланган кечада партия фаоллари, туман хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими бўлими вакиллари, ота-оналар иштирок этдилар.

— Ўзбекистон ХДП туман кенгаши кўпгина байрамларни ташкил этишда бизга ҳар доим яқиндан ёрдам беради, — дейди муассаса мудираси Севарахон Самиқова. — Аввал ҳам болаларимизнинг ақлини чархлаш, зеҳнини ўткир қилиш, дунёқарашини шакллантиришга хизмат қиладиган кўпгина ўйинчоқлар ва керакли жиҳозлар совға қилган эди. Бугун ҳам ана шундай совғаларни қабул қилиб олдик. Бундан болаларимиз жуда хурсанд.

— Ўзбекистон ХДП Халқ таълими соҳасига кўп эътибор қаратаётгани жуда қувонарли, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Йўлдош Шорустамов. — Шу сабабли мазкур сиёсий куч билан ҳамкорлигимиз жуда яхши. Туман кенгаши ташаббуси билан «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг дастлабки ойидаёқ ҳомийлар кўмагида 11 та мактабгача таълим муассасасига турли жиҳозлар, ўйинчоқлар совға қилинган эди. Ўйлайманки, бундай хайрли ташаббуслар давом этаверади. Болаларга қилинган ғамхўрлик эса келажакда албатта ўз мевасини беради.

Байрам баҳона муассасанинг битирувчи гуруҳ тарбияланувчилари ўзлари олган билимларини, ҳаёт ҳақидаги тасаввур ва дунёқарашларининг шаклланганини, илмсиз одам ҳаётнинг ҳар сўқмоғида қоқилиши мумкинлигини ўзларича англаб етганликларини саҳна кўриниши воситасида намойиш этдилар.

Тадбир сўнггида мудира С.Самиқовага ЎзХДП аъзолик гувоҳномаси топширилди.

●●●

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Болалар суяк сили санаторийсида бўлиб ўтган байрам тадбири партиянинг Мирзо Улуғбек туман кенгаши кўмагида ташкил этилди.

— Айни пайтда бу ерда республикамизнинг турли ҳудудларидан келган сурункали остиомиелит ва суяк сили билан оғриган, 15 ёшгача бўлган 210 нафар бола даволаняпти, — дейди санаторий бош шифокори Зарифа Ҳожимуҳаммедова. — Бир вақтнинг ўзида ташкил этилган 11 та комплект синфларда таҳсил ҳам олишади. Уларга 11 нафар олий тоифали врач, 70 нафар ҳамшира хизмат қилади. 11 нафар педагог таълим-тарбия беради. Ишчи-ходимлар орасидан 26 нафари ЎзХДП аъзоларидир.

— Ҳар йили болажонлар байрами муносабати билан катта дастур тайёрлаймиз, — дейди санаторийдаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти раиси Мақсуда Жалилова. — Бунда партиямиз туман кенгаши ҳар доим ҳомийлик ёрдамлари кўрсатади, совға-саломлари билан иштирок этади. Аслида бу ердаги бемор, яъни кўнгли ярим болаларга бир оғиз ширин сўзнинг ўзи ҳам катта совға. Байрамда уларнинг қўшиққа жўр бўлиб маза қилиб рақс тушаётганликларини кўриб кўнглинг яйрайди киши.

Аббосхон ТОЛИПОВ

Суратларда: *Болалар суяк сили санаторийсида бўлиб ўтган байрам тадбиридан лавҳалар.*

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар



БОР МЕҲРИМИЗ — ФАРЗАНДЛАРГА

Ҳозирги кунда республикамизда кўзи ожиз болаларнинг ўн иккита махсус мактаб-интернати мавжуд бўлиб, уларда уч мингга яқин кўриш қобилияти чекланган ўқувчилар билим олиб, тарбияланмоқда. Ана шундай масканлардан бири Тошкент шаҳридаги кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернати ҳисобланади. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси билан ушбу мактаб ўртасида мунтазам алоқа ўрнатилган. Зиё маскани кўриш қобилияти чекланган китобхонларга мўлжалланган махсус нашрларни тарғиб қилади.

«Бор меҳримиз — болаларга» деб номланган навбатдаги тадбир 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланди. Байрам тадбирини Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг кутубхона ва музейлар бошқармаси бош мутахассиси Музаффар Акрамов очди.

Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Марказий бошқарувининг ижтимоий ва ташкилий ишлар бўлими ходими Абдулазиз Камолов, Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси директори Гулайим Бердимбекова ва бошқалар сўзга чиқиб, болаларни байрам билан қутлашди, тадбир ҳомийларига қўшган ҳиссалари учун ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Мактабнинг 35 нафар бошланғич ўқувчиси она-Ватанимиз, бахтиёр болалик, табиат, дўстлик ҳақидаги шеърларни ёддан айтиб бердилар. Кувноқ куй ва қўшиқлар ижро этиб барчани мамнун этишди.

Ҳомий ташкилот ва муассасалар болаларга ўзларининг байрам совғаларини топширишди.

Фозилжон ОРИПОВ,
Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси директори ўринбосари

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Данғара туман кенгаши 85-мактаб-интернатда «Соғлом авлод — келажак пойдевори» мавзуида тантанали байрам тадбирини ташкил этди. Унда болажонлар теннис, шахмат-шашка мусобақалари ва адабий-бадиий шоу дастури орқали ўз истеъдодларини намойиш этдилар. Танлов ғолибларини бевосита кичкинтойларнинг ўзлари аниқладилар ва уларга китоблар, ўқув қуроллари ва эсдалик совғалари топширилди.

Тошлоқ туман партия кенгаши тумандаги 1-сон «Олтин баликча» мактабгача таълим муассасасида жисмоний имконияти чекланган болалар учун байрам тадбирини ўтказди. Ташкил этилган шахмат мусобақасида ғолиб бўлган болажонлар тақдирланди. Партия фаоллари ушбу байрамга кела олмаган «Арабмозор» маҳалласида истиқомат қилувчи Умиджоннинг хонадонида бўлишиб, унга ногиронлик аравачасини топширишди.

Бувайда туман кенгаши Узумзор қишлоқ марказидаги 37-мактабда байрам кечаси ташкил этди. Тадбирга мазкур мактаб ўқувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, жажжи болакайлар таклиф этилди. Сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ХДП фракцияси аъзоси М.Маҳкамов, ЎзХДП туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати Х.Тошматова ва бошқа фаоллар болажонларни байрам билан қутлаб, уларга совғалар тақдим этдилар.

ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши вилоятдаги Меҳрибонлик уйларининг мактаб ёшига етган тарбияланувчиларига ўқув анжомлари ва эсдалик совғалари топширдилар. Болажонлар ўзлари тайёрлаган шеър, қўшиқ, рақслари орқали ҳомийларга миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Сергели туман кенгаши томонидан туман болалари ва ўсмирлари учун Аброр Ҳидоятов номли театрда катта байрам томошаси уюштирилди. Театр ижодкорлари томонидан «Тобутдан товуш» деб номланган гиёҳвандликка қарши курашишга чорловчи спектакль намойиш этилди.

Бектемир туман кенгаши фаоллари тумандаги еттита мактабгача таълим муассасасидаги байрам тадбирларида иштирок этиб, болажонларга совға-саломлар, 2007-2008 ўқув йилида илк маротаба мактабга қадам қўядиганларга ўқув қуроллари топширилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Қарор ва ижро

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БАРЧА ДАХЛДОР

Ёш авлодни тарбиялаш, вояга етказиш, қоларверса, ҳимоя қилиш ҳукуматимизнинг доимий диққат-эътиборида. Айниқса, вояга етмаган ўсмирларга ғамхўрлик кўрсатиш борасида жойларда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айни чоғда таҳлиллар шуни кўрсатадики, ечимини кутаётган муаммолар ҳам оз эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи талабларига асосан жойларда мунтазам равишда диний ташкилотлар, ички ишлар бўлими ходимлари, республика наркодиспансери шифокорлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда ҳокимликлар вакиллари билан биргаликда вояга етмаганлар орасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, токсикомания каби ёмон иллатлар, шунингдек, диний экстремизм ёҳуд ҳар хил диний оқимларга қўшилиб қолишнинг олдини олиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Шу мақсадда вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўйича ўтган йили 309 та текшириш ишлари амалга оширилди. Республикада болаларнинг дам олишларини кўнгилли ўтказиш, улар соғлигини мустаҳкамлаш ва бошқа соҳалар бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, ўтган йили Меҳрибонлик уйи, мактаб-интернатлари тарбияланувчилари, чин етим ва ярим етим болалар, шунингдек, кам таъминланган оила фарзандларидан ёзги дам олиш оромгоҳларида 6000 нафар бола дам олди. Ушбу оромгоҳларда болаларнинг жисмонан соғлом бўлишлари, спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Болалар ўртасида «Ёз-2006» спорт мусобақалари ўтказилди.

Лекин вояга етмаганлар билан ишлашда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, ўтказилган текширишлар натижасида ноқонуний қабул қилинган қарорлар ва буйруқларга 74 та протест, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан 338 та тақдимнома, 83 та қарор, 259 та огоҳнома киритилиб, 494 нафар шахс интизомий ҳамда 60 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилганлиги ҳам бу борадаги фаолиятимизни қайта кўриб чиқишимиз лозимлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, 17 та жиноят иши қўзғатилиб, вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўтган йили судларга 12 та даъво аризалари киритилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларида 62 та текширишлар ўтказилиб, натижасига кўра, қонунга зид равишда қабул қилинган қарорларга нисбатан 34 та протест ва қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича 47 та тақдимнома киритилиб, келгусида қонунбузилишларга йўл қўймаслик хусусида 21 нафар шахс ёзма равишда огоҳлантирилиб, 18 нафар шахсга нисбатан интизомий ва маъмурий жазолар қўлланилди.

Таҳлиллар республикада ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, тарбияси оғир ҳамда ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил бўлган болаларни қизиқишларга қараб спорт клублари, санъат тўгаракларга жалб этиш, ўқишдан бўйин товлаган ва тарбияси оғир ўқувчиларнинг хулқ-атворини тузатиш борасида мактаб педагогик жамоалари, таълим ва ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини фаоллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни ғайриижтимоий фаолиятларга жалб этувчиларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилиши, иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, фан ва касб тўгаракларини юритиш, ота-онаси қарамоғидан айрилган болаларни аниқлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва бу борадаги вазирликлар ҳамда республика жамоат ташкилотларининг амалий ёрдам ва мувофиқлаштириш фаолиятини ўрганиш борасидаги ишлар ҳам етарли эмаслигини айтиш жоиз. Мазкур масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, таъкидланган хато-камчиликлар бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Ёшлар — келажагимиз. Уларни тўғри йўлга солиш, йўл-йўриқ кўрсатиш билан жамият келажаги яратилади. Жисмонан ва руҳан соғлом авлодни тарбиялаш ишидан четда туришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Убайдулла МНАЖОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг катта ёрдамчиси, 2-даражали юрист

ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ!

Андижон вилоятининг барча шаҳар ва туманларида «Шу азиз Ватан — барчамизники!», «Аёллар ва ёшлар жиноятчилик, терроризм ва гиёҳвандликка қарши» шиорлари остида дўстлик форумлари ўтказиб келинмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Пахтаобод туманида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан уюштирилган «Шу азиз Ватан — барчамизники!» деб номланган дўстлик форумида туманда яшовчи барча миллат ва элат вакиллари, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар ҳамда ёшлар иштирок этди.

Даставвал, туман маданият ва истироҳат боғида гиёҳвандлик, терроризм ва жиноятчиликни фош этувчи тасвирий воситалар, видеороликлар намойиш этилди.

Санъат усталарининг чиқишлари эса барчани хушнуд этди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Табиат ва биз

СИРДАРЁНИНГ ЎРДАГИ БОР, ҒОЗИ БОР

ёки Сайхун бўйларини макон тутган парранда-ю даррандалар, уларни муҳофазалаш, кўпайтириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Лекин экиш ва ўриш техникалари, трактор ва механизмлар масаласида қийинчиликларга дуч келаяпмиз. Борлари ҳам анча эскириб қолганлиги сабабли ўз-ўзидан муаммолар келиб чиқаётир.

Шайдулло ҲАЙИТОВ, зоолог-мутахассис:

— Биласизми, дарё бўйларида ёввойи паррандалар жуда сероб. Хомаки ҳисоб-китобларимизга кўра, айни пайтда бу ерларда уларнинг юзга яқин турларини учратиш мумкин. Биргина ғоз ва ўрдакнинг беш-олти тури, соққоқушнинг тўрт-беш хили, лайлакнинг уч тоифаси, балиқчиқуш, қоравой, турна, бургут, сисарка, лойхўрак, қашқалдоқ, қошиқбурун... эҳ-е, қай бирини санаб ўтай? Яқинда Саудия Арабистонидан «драфакрасотка» деган антиқа ёввойи қушнинг тухумини олиб келиб, инкубаторда очиришни режалаштирганмиз. Бу ишда бизга араб мутахассислари кўмаклашишга ваъда беришди. Ўйлайманки, республика бионазоратинспекцияси ёрдамида бунинг албатта, уддасидан чиқамиз. Яна бир гап. Ёввойи қушларнинг баъзи турларини хонакилаштириш, уларнинг шу ерларда қишлаб қолишлари учун шарт-шароитлар яратиш, махсус мослаштирилган жойлар барпо этиш бўйича қилинаётган ишларимизни янада такомиллаштиришга эҳтиёж сезилаяпти. Бу ишга олимларимиз, мутахассисларимизнинг кўпроқ бош қўшишлари зарурга ўхшаяпти.

Иброҳим БОБОЁРОВ, Сайхунобод тумани табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси давлат назоратчиси:

— Ёввойи қушларни урчитиш ва кўпайтиришга ихтисослашган махсус хўжаликнинг ишини осон деб бўлмайди. Уларнинг фаолиятини қайсидир маънода очилмаган қўриққа ёки игна билан қудуқ қазишдек машаққатли ишга қиёслагим келади. Қийинчиликларга ҳам бардош билан чидаш мумкиндир, лекин ўзбошимча овчилар, браконерларнинг қилмишларига нима дейсиз? Масалан, Сирдарё туманига қарашли «Соҳил» ҳудудий фермерлар уюшмасида истиқомат қилувчи Ғайрат Бердиев, Гулистон шаҳри, Солиев кўчаси 105-уйда яшовчи Юрий Демидовлар ноқонуний ов билан шуғулланиб, «Қизил китоб»га киритилган ёввойи қушларни отаётган пайтда ушланди. Қаранг-а, кимлардир машаққат чекиб, ёввойи қушларни кўпайтирамиз, уларнинг йўқолиб бораётган турларини сақлаб қоламиз, деган ўй-фикрларда юрсаю, бошқа бировлар бундай қушларга қирон келтириш, уларнинг тухумини қуритиш билан шуғулланса... Буни қандай изоҳлаш мумкин? Шулардан келиб чиққан ҳолда браконерларга, табиатга зиён-заҳмат етказаётган кимсаларга нисбатан кескинроқ, қатъийроқ чоралар кўриш вақти келмадимикан?..

Шодмон ТЎРАҚУЛОВ, овчи:

— Елкасига милтиқ осиб юрган ҳар қандай кишини ҳам овчи, деб бўлмайди. Ҳақиқий овчи қушни қушдан, жониворни жониворлардан фарқлай билади. Қачон нимани овлашни, қайбердим. Сўнгра 3-4 та ғоз ёнма-ён кўтарилди. Мўлжални биттасидан ярим қулоч олдин олиб ўқ уздим. Жонивор «шувв» этиб орқамдаги қияликка тушди. Ёнимдагилар нега биринчи учиб ўтганларини оттирмадингиз, деб сўрашди. Уларга ҳар доим ёввойи қушлар галаси учаётганда олдинда кетаётганларини ўтказиб юбориш зарурлигини, чунки, ди. Дуч келган жониворни отиб кетадиганларни эса овчиликдан минг чақирим йироқ одамлар, дегим келади.

Шавкат ҚОДИРОВ, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси инспектори:

— Одатда парранда-ю дарандалар Сайхун ўзани бўйлаб пайдо бўлган еттита кўл, қолаверса, дарёнинг ўзидаги майда балиқси паррандани отиш мумкину, қайсисини отиб бўлмаслигини унга ўргатишнинг ҳожати йўқ. Бошимдан ўтган воқеани айтиб берай. Бир куни икки қадрдоним билан дарё бўйига овга чиқдик. Ўқланган милтиқларни отишга шай ҳолда ушлаб, қамишлар орасида пойлаб турибмиз. Бир маҳал ғозларнинг безовта чархидан сергак тортдим. Дарёнинг ўртасидан бир гала ёввойи ғоз осмонга кўтарилди. Учаламиз ҳам мўлжалга олдик. Шерикларимга олдинда учаётганларини отманглар, дея ишора қилдим. Ёнимдаги ўртоқлар ҳали кўп иш қилиш кераклигига эътиборни қаратмоқчиман.

масалада хўжаликда муайян ишлар қилинган. 380 гектарлик ҳудуднинг асосий қисми махсус тўсиқлар билан ўралган. Айни пайтда қолган жойларини ҳам муҳофазалаш тадбирлари кўрилаяпти. Бироқ, ёввойи қушларга нисбатан ветеринария хизмати кўрсатиш, уларни турли юқумли касалликлардан ҳимоялашнинг мақбул йўл-йўриқларини қидириш усуллари ўрганилиб, ҳозирги кунда ушбу ишлар бажарилмоқда. Масалан, ўтган йили Сайхунобод ва Ҳалқобод туманлари ҳудудларидаги 2 минг гектар ер ҳайдалиб, 1 минг гектарга ем-хашак экилган. Ҳозирги кунда ушбу ер ҳудудидаги ем-хашак ўриб олинмоқда. Ем-хашак ўриб олинган ерларга ем-хашак экилиши ва ем-хашак ўриб олинмаган ерларнинг ўзидаги ем-хашак ҳосилини сақлаш ишлари ҳам ташкилий ишлар бажарилмоқда. Ем-хашак ўриб олинмаган ерларнинг ўзидаги ем-хашак ҳосилини сақлаш ишлари ҳам ташкилий ишлар бажарилмоқда. Ем-хашак ўриб олинмаган ерларнинг ўзидаги ем-хашак ҳосилини сақлаш ишлари ҳам ташкилий ишлар бажарилмоқда.

...Бу йилги баҳор Сайхун бўйларига ўзгача келди. Устма-уст ёққан ёмғирлар абри найсон бўлиб пойимизда ястанган майсалар, жинғилу қамишларнинг барқ уриб ўсишига ёрдам берди, уларга тароват бахш этди. Бугун дарё бўйлари, кўллар соҳилларидаги ўт-ўланлар тиззага уради. Табиийки, уларнинг орасига турфа хил ёввойи қушлар, парранда-ю даррандалар ошиён қурган. Бехосдан гоҳ бу томондаги жинғилзорлардан, гоҳ у тарафдаги қамишлар орасидан ёввойи ўрдаклар, тустовуқлар, ғозлар, лойхўраклар галаси кўкка парвоз қилади. Бундай манзарадан ҳайратлана-ҳайратлана Сирдарёнинг шундоққина яқинидаги Турнакўлга келиб қолибмиз. Кўл четига қантарилган қайиққа тушдик ва эшкакларни ишга солдик. Балиқ ҳидли сувнинг қайиғимизга шалоплаб урилиши, кўлга туташ қамишзорлар томонидан аҳён-аҳёнда келаётган турфа саслар, сайроқи қушларнинг нағмалари қалбларимизни қанчалик осудаликка мойил этмасин, барибир бизни туну кун бир зум ҳам «нафас» олишдан тўхтамайдиган сирли дунё янглиғ бедорликка ундайверади. Қаердадир шу яқин орадан чинқироқ ғознинг чинқириғи эшитилади, унга бедананинг сайраши, ўрдаклару ғозларнинг, яна қайсидир сайроқи қушларнинг товушлари қоришиб кетади. Бу ажиб оҳанглардан кўнгиллар бирам сурурланадики, беихтиёр қалбинг ҳаётнинг бари алғов-далғовларидан фориғ бўлганини ҳис қиласан, бундай сеҳрли сасларнинг сираям тинмаслигини истаб қоласан. Сиру синоатларга тўла табиатдаги мутаносиблик, биохилма-хилликдан лол қолиб, уни асраб-авайлагинг, шу ҳолича, бус-бутун, ҳатто янаям тўкис, янаям мафтункор қиёфада келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиргинг келади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: *вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари ихтисослашган хўжалик ишчилари билан инкубатордан чиққан ҳамда вояга етказилган ёввойи ўрдакни табиат қўйнига қўйиб юбормоқдалар.*

Баркамол авлод орзуси

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР МАСКАНИ

Бугун республикамизнинг қайси бир туманига борманг, албатта, замонавий услубда қурилган касб-ҳунар коллежларига кўзингиз тушади. Уларда истиқлол фарзандлари таълим-тарбия олишмоқда. Улар эртага, албатта, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, ривожи йўлида ўз меҳнатлари ва интеллектуал салоҳиятларини намоён этишади.

Қашқадарё вилоятидаги Китоб маиший касб-ҳунар коллежи 2001 йилда ташкил этилган эди. Ҳозир бу даргоҳда 1093 нафар талаба ЭҲМ ва компьютер тармоқларини ишлатиш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва ишлатиш, тикувчилик, мураббий-йўриқчи, радиотехника каби ихтисосликлар бўйича таҳсил олишмоқда.

Ўқувчиларга 67 нафар педагоглар жамоаси сабоқ бермоқда. 900 ўринга мўлжалланган ўқув масканида ёшларнинг жисмонан чиниқиши учун ҳам барча имкониятлар етарли. Дарсдан бўш вақти бўлди дегунча кимдир кураш сирларини ўрганади, яна бошқа бири футбол, қўл жанги билан машғул.

Коллежда ошхона ҳамда 100 ўринли ётоқхона муҳайё қилинган. Компьютер ва лингафон хоналарида ёшлар интернет тармоғи орқали дунё янгиликларидан хабардор бўлиб, ўз соҳаларида кечаётган ўзгаришларни кузатиб боришади.

Қувонарлиси шуки, коллеж раҳбарияти ички имкониятларни ишга солиб, иқтидорли талабаларга махсус стипендиялар ташкил этган.

— Мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли қишлоқларимиз замонавий қиёфа касб этмоқда, — дейди техника фанлари номзоди, коллеж директори Жамил Жалолов. — Бугунги кунда қишлоқларимизда хусусий тадбиркорлик, фермерлик кенг ривожланмоқда. Ўз-ўзидан аёнки, уларга ҳисобчи ҳам, аудитор ҳам, умуман олганда, коллежимизда мавжуд бўлган йўналишлар бўйича таҳсил олаётган кадрлар керак.

Айни пайтда коллежимизда иш қизғин. Чунки бу йилги битирувчиларимиз мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшиш учун катта ҳаётга йўлланма олишади. Қолаверса, уларнинг издошлари, яъни бу йил 9-синфни тамомлаётган ёшларнинг энг иқтидорлиларини танлаб олишдек масъулиятли синов арафасида турибмиз.

Коллежда бўлганимизда, қулай шароит ва ёшларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда таҳсил олишлари йўлида хайрли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик. Зеро, бугун олинган илм эртага ўз ҳосилини беришига бу ерда яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Абдувоси ҲАЙДАРОВ

Суратларда: *Инглиз тили машғулотида; кимё фани ўқитувчиси Фароғат Ҳайдарова талабалар билан.*

Суратлар муаллифники



Диққат, танлов

«ЖАМИЯТ ВА МЕН» ТАНЛОВИ ДАВОМ ЭТАДИ

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрларда мамлакат ҳаётининг устувор ва долзарб йўналишларини кенг ёритиш, аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришда журналистларнинг иштирокини кенгайтириш ва фаолиятини рағбатлантириш ҳамда босма ва интернет нашрларини жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар билан бойитиш, журналистларнинг профессионал маҳоратини ва ижодий фаоллигини ошириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида ўтказилаётган «Жамият ва Мен» танлови давом этади.

Танлов йўналишлари

Танлов қуйидаги позициялар бўйича ўтказилади:

— энг яхши таҳлилий мақола;
— энг ўткир танқидий мақола;
— энг яхши журналистик текширув;
— интернетдаги энг яхши мақола;
— энг муфассал шарҳ;
— энг яхши фоторепортаж;
— йил дебюти (талаба-журналистлар учун).

Танлов шартлари

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, тиббиёт, таълим, кадрлар тайёрлаш, тадбиркорлик ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросини ёритишга бағишланган ижодий ишлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ва рус тилларида тайёрланган, 2 нусхада бўлиши керак. Фототепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти ҳақида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларда «Жамият ва Мен» танловига» рукнида **2006 йилнинг 1 сентябридан — 2007 йилнинг 10 июнига қадар чоп этилган бўлиши шарт.**

Танлов ғолиблари «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» арафасида аниқланиб тақдирланадилар.

Танловни ўтказиш тартиби

Танлов тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом, рақамли фотоаппарат ва диктофон билан тақдирланадилар.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Жамият ва Мен» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2007 йил 15 июнига қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 144-12-51, www.mmf.uz,e-mail: mmf@uzpak.uz.

Ташкилий қўмита

Муносабат

ИМТИЁЗЛАР — ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Давлатимиз томонидан иқтисодимизни янада кўтариш йўлида қатор чоралар кўрилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг шу йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бунинг яна бир ёрқин мисоли бўлди. Дарҳақиқат, бугунги ҳаёт иқтисодиётда туб ислоҳотлар ўтказишни талаб қилмоқда. Шу маънода мазкур Фармон муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу ҳужжатга биноан, хўжалик юритувчи субъектларга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, шу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорида тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан фойдадан олинадиган солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилди.

Яна бир муҳим жиҳати — ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод этиладиган бўлди.

Шунингдек, 2007 йил 1 апрелдан бошлаб юртимизга олиб кириладиган технологик жиҳозларга тегишли тартибда тасдиқланган рўйхатга мувофиқ, божхона тўловлари бўйича ҳам имтиёзлар берилди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳужжатнинг мақсад-муддаоси — мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор суръатларда ўсишини таъминлаш, соҳада таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, етакчи тармоқларни техник ва технологик жиҳатдан янгилашдир.

Акром ИБРАГИМОВ,
Учтепа туман ДСИ шўъба бошлиғи

Иқтисодиёт ва ислоҳот

МИЖОЗЛАР МАНФААТИ — БОШ МЕЗОН БЎЛСА

ИШИМИЗДА СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК ТУБДАН ЯХШИЛАНАДИ, — ДЕЙДИ РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Банклар учун биринчи навбатда ўз мижозларининг ишончини қозониш, уларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатиш муҳим. Ана шу меъёрлар қарор топган жойда мижоз манфаати, сизу бизга мурожаат этувчи ҳар бир жисмоний шахс хоҳиш-истаги тўлиқ қаноатлантирилади. Қаноат ва қониқиш ортдими, ишонч кафолатландими, демак банкка таширифбуюрувчи, бўш маблағини ҳеч бир шубҳаларсиз кўядиганлар сафи кенгаяди. Буни республикадаги барча тижорат банкларида бўлгани каби Халқ банкининг Навоий вилояти филиали мисолида ҳам кўриш мумкин.

Филиал жамоасининг асосий нияти банкка мурожаат қилувчи мижознинг бу даргоҳдан норизо бўлиб чиқмаслигини таъминлашдан иборат. Шу талаб ва адолат мезонидан келиб чиққан ҳолда филиал аҳли кейинги икки йилда қатор муваффақиятларни қўлга киритди. Буни ажратилган кредитлар салмоғининг ортганидан ҳам билиш мумкин. Масалан, банк 2005 йилда аҳолига 1 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 63 фоизга ортди. Ҳозир шахсий уй-жой қураман, тадбиркорлик билан шуғулланаман, кичик корхона очиб, янгидан-янги иш ўринлари яратаман, деган фуқаролар талайгина. Шундай инсонлар борки, замонавий цех ва линиялар яратиш, бу йўл билан четдан сармоя олиб келиш илинжида юришади. Ўз навбатида улар ҳам обрў ва нуфузда анча салоҳиятга эга бўлган Халқ банкига мурожаат этишади. Худди шу хоҳиш-истаклар боис филиалда ҳозир жами 1300 дан зиёд мижозлар мавжуд. Шунинг 470 таси якка тартибдаги тадбиркорлар, 819 таси хусусий корхона ва деҳқон-фермер хўжаликлари, 20 дан ортиғи эса давлат корхона ва ташкилотлари ҳисобланади. Агар кейинги бир йилда банк мижозлари сони 250 тага ёки 31 фоизга ошганини эътиборга оладиган бўлсак, филиалда ўсиш ва юксалиш тубдан яхшиланаётганига амин бўласиз. Бу ўз ўрнида мижозларнинг банк билан узвий ҳамкорлиги мустаҳкамланаётганлигидан далолат. Одамлар бўш пул маблағини, омонатини банкка қўйганми, банкдан у ёки бу суммада кредит олганми, бундан қатъи назар банк ва мижоз доимий алоқада бўлиб турмоғи лозим. Ана шундагина кўзланган натижаларга эришилади.

Филиалда ана шу тартиб ва интизомга қатор йиллардан буён амал қилиб келинаяпти. «Ҳақ-ҳуқуқингизни биласизми?», «Кредит олиш учун қандай тушунчага эгасиз?», «Ижтимоий ҳимояга муҳтожларга чорва моли», «Янги келин-кўёвларга имтиёз кредити» сингари мавзуларда тез-тез мулоқот ва давра суҳбатлари бўлиб туради. Бунинг учун алоҳида ўқув кўрсатмалари, банк ишига оид адабиётлар, унинг фаолияти, ишлаш тартибига дахлдор қўлланмалар билан тўлдирилган алоҳида мижозлар зали доим очиқ.

«Ижтимоий ҳимоя йили» банк жамоаси мижозлар сонини яна 300 тага кўпайтириш, шунингдек, банкнинг жами активлар суммасини 15 миллиардга етказиш учун ҳаракат қилмоқда. Айниқса, кам таъминланган оилаларнинг турмуш даражасини бундан-да ошириш учун кўзланган тадбирлар ҳам салмоқли. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида халқ хўжалигининг турли соҳаларига 233 млн. сўмлик кредит берилди.

Филиал вилоятдаги «Туркистон» фирмаси директори Замира Жумаевага 2006 йил охирида 106 млн. сўм миқдорида кредит ажратган эди. Тадбиркор ушбу маблағдан оқилона фойдаланиб, вилоят марказидаги А.Навоий номли меҳмонхонани жаҳон андазаси даражасида таъмирлади. Эндиликда мазкур меҳмонхона хорижий сайёҳларга ҳам намунали хизмат кўрсатаяпти. Ёки якка тадбиркор Шоди Исмоиловни олайлик. У қатор йиллардан буён «Гулистон маркет» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасига раҳбарлик қилаяпти. Унинг фидойилиги билан ўнлаб савдо дўконлари ташкил этилди. Яқинда ушбу мижоз ҳам банкдан 90 млн. сўм кредит олиб, Навоий шаҳри марказида замонавий супермеркет дўкони очди. Бу ерда гап фақат кредит ёки қизилтепалик тадбиркор Ғолибжон Бозоров ҳам банкдан 50 млн. сўм кредит олди. Натижада «Қизилтепа келажаги» хусусий фирмасига асос солинди. Бу фирма ҳам туманда ихчам мини-маркет очиб, 20 дан зиёд маҳаллий ёшларни иш билан таъминлади.

— Бу каби хайрли ишларни жорий йилда ҳам давом эттиряпмиз, — дейди филиал бошлиғи Нурали Жўрабеков. — Кредитлар бериш, унинг ўз вақтида тушумини таъминлаш масаласида Хатирчи, Қизилтепа, Навоий филиаллари тажрибаси таҳсинга лойиқдир. Айни кунда банк бошқаруви томонидан таклиф этилаётган «Шодиёна», «Даромад плюс», «Мустақил ҳаёт» «Фарзанд келажаги», «Ёш оила» каби ўнлаб омонат турлари эл хизматида.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига Президентимизнинг ПК-308 сонли қарори асосида чорва моли харид қилишга кўмаклашиш ҳам бугунги долзарб вазифадир. Жорий йил 4 ойи давомида кам таъминланган оилаларга қарийб 60 млн. сўмлик банк маблағи ҳисобидан кредитлар берилди. Шунинг 20 млн. сўми имтиёзлидир.

— Вилоятимизда бошқа тижорат банклари каби Халқ банкининг ҳам ўзига хос ўрни бор, — дейди вилоят марказий банки бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Абдуқаҳҳор Юсупов. — Чунки мазкур банкнинг яна бир фарқли жиҳати ҳар ойда кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва ёрдам пулларининг ўзи учун 1 миллиард сўм миқдоридаги маблағни тарқатади. Бу ҳам ўз навбатида банк жамоаси зиммасига анча масъулият юклайди.

Ҳа, Халқ банки ўз мазмунмоҳияти жиҳатидан чинакам халқ билан ҳамкор, ҳамфикрдир. Унинг ташкилий-таркибий даври узоқ бўлганлиги боис ҳам бугун вилоят филиалининг 7 та туман филиаллари, 9 та кичик банки ва 68 та шохобчаси узлуксиз ишлаб турибди. Банк муассасаларида жами 350 нафардан ортиқ ходим фаолият кўрсатаяпти. Айниқса, қизилтепалик Малика Жўраева, нуроталик Комил Шарипов, навоийлик Гулшан Ҳасанова, навбаҳорлик Шаҳира Ортиқова, хатирчилик Рустам Ялғашев, зарафшонлик Мирзоҳид Рўзиқуловларни шубҳасиз бугуннинг фидойилари, ёхуд ёш ишчиларнинг мураббийлари, дейиш мумкин. Худди шу ва шунга ўхшаш малакали мутахассис кадрлар қўлида банк иши, унинг иқтисодий салоҳияти йил сайин ўнгланиб бораяпти.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



ШИФОКОР-ТРАВМАТОЛОГ

ЛАТВИЯНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНДИ

Латвия сейми 52 ёшли шифокор-травматолог Валдис Затлерсни республика президентлигига сайлади. Унинг номзоди учун 58 депутат овоз берди. Валдиснинг рақиби, судья Айвар Эндзиньшни эса 39 депутат қўллаб-қувватлади холос. Шундай қилиб, В.Затлерс олган овоз иккинчи тур сайловларини ўтказишга ўрин қолдирмади.

«NovoNews» интернет-нашри хабар беришича, Латвиянинг амалдаги президенти Вайра Вике-Фрейберг хонимнинг ваколат муддати 7 июнда тугайди.

Латвияда президент парламент томонидан 4 йил муддатга сайланади.

МУДДАТИ ТУГАДИ

БИРОҚ ТОМОНЛАР КЕЛИША ОЛМАДИЛАР

Украинада неча ойдирки, сиёсий инқироз давом этмоқда. Ундан қутулиш учун республика маъмурияти, яъни президент Виктор Ющенко, бош вазир Виктор Янукович ва Олий Рада спикери Александр Мороз шу йил 30 сентябрь куни навбатдан ташқари парламент сайловлари ўтказиш юзасидан келишиб олган эдилар. Олий Рада эса сайлов билан боғлиқ бир қанча ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва қабул қилиши лозим. Бироқ президент апрель ойи бошида Олий Радани тарқатиб юбориш ҳақида фармон эълон қилган эди. Шунинг учун президент ушбу фармонни икки кунга бекор қилиш ва 29-30 май кунлари парламент ўз ваколати доирасида фаолият юритишини тиклаш ҳақида яна бир фармонга имзо чеккан эди. Аммо Олий Радага берилган бу икки кунлик муддат камлик қилди — ҳукумат-парламент коалицияси ва мухолифат зарур қонун лойиҳалари юзасидан келиша олмадилар. Бунинг устига «Наша Украина» фракцияси депутатлари сессия залини ташлаб чиқиб кетдилар.

Шундай қилиб, — дейилади «REGNUM» ахборот агентлиги хабарида, — президент томонидан Олий Радага берилган икки кунлик ваколат муддати самарасиз тугади.

310 НАФАР МАҲБУС

ПРЕЗИДЕНТГА ХАТ ЁЗДИ

Умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва Италия қамоқхоналарида сақланаётган маҳбусларнинг 310 нафари қамоқхоналардаги шароит оғирлиги боис, умрбод қамоқ жазоси ўлим жазосига алмаштирилишини сўраб, мамлакат президенти Жорж Наполитанога мактуб йўллади.

«Жаноб республика президенти. Биз аста-секинлик билан ўлиб боришдан чарчадик. Кунига бир қултумдан ўлим заҳматини ичамиз.

Қароримиз шуки, биз бир неча бор ўлиб-тирилишни эмас, бир марта ўлишни хоҳлаймиз. Шунинг учун бизга нисбатан чиқарилган умрбод қамоқ жазоси ҳукмини ўлим жазосига алмаштиришингизни сўраймиз» дейилади маҳбуслар хатида.

1947 йили қабул қилинган ва бугунги кунда ҳам амалда бўлган Италия Конституциясида ўлим жазоси тақиқланган. Шунинг учун бу ерда энг оғир ҳукм умрбод қамоқ жазосидир. «The Earth Times Online» сайтидаги хабарда ёзилишича, ҳукм қилинганларнинг 20 фоиздан ортиғи 20 ва ундан ортиқ муддатга қамалади.

Ҳозир Италия қонунчиларининг умрбод қамоқ жазосини бекор қилиш бўйича қонун лойиҳаси устида иш олиб бормоқдалар. Негаки, сенатор Мария Луиза Боччанинг айтишича, умрбод қамоқ жазоси ўлим жазоси билан баравар. Бу эса Конституция моддаларига зид. Шунинг учун умрбод қамоқ жазосини 30 йиллик қамоқ муддатига алмаштириш таклифи илгари сурилмоқда.

КИМКИ СИГАРЕТ ЧЕКСА

ИШДАН ҲАЙДАЛАДИ

Кемерово вилояти маъмурияти конларда иш тартибини қатъийлаштириш бўйича янги қарор қабул қилди. Унга кўра, кўмир конларида сигарет чекиш у ёқда турсин, ҳатто чўнтакда гугурт олиб юриш ҳам тақиқланди. Эндиликда кимки конда сигарет чекса, ёки гугурт чақса, шунингдек, маст ҳолда ишга келса, бу ҳолат ўз меҳнат фаолияти давомида биринчи бор қайд этилган бўлишига қарамай, ишдан ҳайдаладди, ҳатто қилган гуноҳи меҳнат дафтарчасига ёзиб қўйилади. Табийки, меҳнат дафтарчасидаги бу ёзувдан сўнг ишчининг бошқа конларга ишга жойлашиши қийин кечади.

Кузбасс губернатори Аман Тулеевнинг «Новости» ахборот агентлиги журналистига маълум қилишича, бугунги кунда фаолият юритаётган Кузбасс шахталарининг (60 тага яқин) кўпчилигида меҳнат шароити оғир, яъни метан ва бошқа газларнинг йиғилиши дунёдаги бошқа конлардагидан анча юқори. Шунинг учун ҳам конда сигарет чекиш ёки гугурт чақиш фожиага олиб келиши мумкин.

Яқинда (24 май куни) Новокузнецкдаги «Юбилейная» шахтасида юз берган метан портлаши ҳам айнан учқундан келиб чиққан (кабелдаги қисқа туташув натижасида). Портлаш оқибатида 39 киши ҳаётдан кўз юмди.

ЙЎЛ ТАЪМИРЛАНМАГАНИ УЧУН

ШАҲАР МЭРИ ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ

Кострома шаҳри раҳбари Ирина Переверзева шаҳардаги йўллар аҳволи ёмонлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекцияси бир неча бор ёзма равишда мурожаат этган бўлишига қарамай, йўлларни таъмирламагани учун суд томонидан энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорида жаримага тортилди.

Прокуратура вакилларининг гапларига қараганда, — дейилади «Газета.ru» сайтидаги хабарда, — шаҳар маъмурияти 2006-2007 йиллар давомида автомобиль йўллари аҳволини яхшилаш бўйича ҳеч бир иш қилмаган.

Тадбир

«БЕК ЮРТНИНГ БЕК БОЛАЛАРИ»

Республика болалар кутубхонасида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Бек юртнинг бек болалари» деб номланган хайрия тадбири бўлиб ўтди. Унга Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болалар таклиф этилди.

Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази ва «Меҳржон-спорт» жамоат хайрия жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирни кутубхона директори Ф.Бухарова кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан болажонларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод бўлиб вояга етишлари йўлида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталди.

Тадбир давомида Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи ўқувчилари, «Ғунча» ансамбли ва «Jammy Boom» шоу гуруҳи тайёрлаб келган концерт дастури намойиш этилди. Шунингдек, спорт мусобақалари ҳам ташкил этилиб, ғолибларга ҳомийларнинг совғалари топширилди.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар

Кино

МИЛЛИЙ ТИМСОЛЛАР ТАСВИРИ

«Йўл бўлсин» ўзбек бадиий фильми Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига тавсия этилди. Бундан томошабинлар ҳам, фильм ижодкорлари ҳам қувондилар. Давлат ва нодавлат студияларида яратилаётган кўплаб фильмлар орасида айнан унинг бу мукофотга номзодлар сафида бўлиши бизни бадиий ижод маҳсули ва уни қабул қилиш психологияси ҳақида маълум мушоҳадаларга чорлади.

Ўзбек миллий киносида янгича услубий изланишларнинг дебочаси ҳисобланмиш «Йўл бўлсин» фильмининг яратилишида сценарийнавис Шомирза Турдимов ва режиссёр Қамара Камоловаларнинг ижодий ҳамкорлигини қайд этиб ўтиш муҳим. Фильм илк марта намойиш этилиши биланоқ томошабинлар олқишига ва мутахассисларнинг муносиб баҳосига сазовор бўлди. Бироқ, миллий тимсоллар мажмуасининг бир қисми бўлган фильмнинг мажозий ифода воситаларини англашдан ожиз айрим томошабинлар ўз ҳайронлигини яширмаётганларини ҳам айтиш жоиз. Балки бунинг сабаби баъзи олди-қочди фильмлар ёки енгил-елпи эстрада қўшиқларидамикин? Чунки шовқин-сурондан иборат чолғулар товуши ва «яланғоч» қофиялардан тузилган хиргойилар билан дўстлашиб, уларга қўникиб улгурганимизда руҳимизнинг «Тановар» ва «Сунбула»ни ҳис этиши, улар замирига яширинган маъноларнинг рамзий тасвирини англай билиши осон кечмаслиги айни ҳақиқат. Ушбу фильм миллий қадриятларимиз, тарихимиз ва урф-одатларимизнинг нақадар кўҳна эканлиги ва буни ҳар биримиз билишимиз зарурлигини эслатаётгандек бўлади...

Кўп йиллар давомида миллий қўшиқлар ва маросимларни илмий тадқиқ этиб келаётган фольклоршунос Шомирза Турдимовнинг айтишича, фильм суратга олингунга қадар сценарий бир неча бор қайта ўзгартирилган. «То маълум бир сюжет чизиғи яратилмагунча ва шу сюжет асосида миллий тимсолларнинг тасвирий ечими топилмагунча режиссёр билан тил топишишимиз қийин кечди», — дейди у. Ҳаётимизнинг акси кўринган «Йўл бўлсин» киноасаридаги воқеаларни томоша қилиб, кимнингдир хатти-ҳаракатига тўғри ёки нотўғри, деб баҳо бермайсиз. Бундай ҳуқуқни фильм ижодкорлари сизга бермайдилар ҳам. Улар шунчаки «Қаранг, сиз кўраётган воқеа-ҳодисалар энди содир бўлаётгани йўқ. Инсон яралибдики, бундай паст-баланд йўллардан юриб келган ва бу умр йўлларини унинг ўзи танлайди. Агар шундай бўлмаганида турмушимизнинг инъикоси барча тафсилотлари билан миллий қўшиқларга, оҳанглар ва тимсолларга кўчмаган бўлар эди», дейишаётгандек.

Фильмни бир неча бор катта экранда кўриб, томошабинларнинг фикри билан қизиқиб шунга амин бўлдикки, «Йўл бўлсин» бадиий фильми айнан ўз даврида яратилган ва бу ҳеч муболағасиз Мустақилликнинг шарофатидир. Зотан, бу фикрни кино ихлосмандларининг самимий муносабатлари ҳам тасдиқлайди.

Гуҳар БАҒДАСАРОВА, шоира:

— Гарчи мен бошқа миллат вакили бўлсам ҳам, назаримда, фильми барча ўзбек томошабинлари қатори, балки улардан яхшироқ тушунгандекман. Чунки у шоирона руҳда яратилган. Унда сўзсиз ҳаракатлар устун туради. Буни ҳар қандай миллат вакили бир кўргандаёқ тушуна олади ва завқланиб томоша қилади. Ўзбек миллий қўшиқлари, урф-одатларини мен яхши биламан, деб ўйлардим. Чунки Тошкентда туғилганман, шу ерда яшайман. Аммо мен фильмни кўргандан сўнг ўзбек миллатини яна бир бор ўзим учун янгидан кашф этдим. Ҳақиқий санъат асари мана шундай, қайси тилда яратилмасин, қайси миллатга хос бўлмасин, умуминсониятга тушунарли бўлиши керак.

Жаҳонгир МАЛЛАБОЕВ, ЎзМУ журналистика факультети талабаси:

— «Йўл бўлсин» шу кунгача биз кўриб юрган фильмларнинг одатий қолипига тушмайди. Тўғри, турли олди-қочди фильмларга ўрганиб қолаётган, балки улардан тобора зерикаётган ўзбек томошабинида бу асар бир қадар ҳайрат ва англамсизлик орқасидан келаётган кичик эътирозларни туғдирмоқда. Аммо бир нарсани унутмаслик керакки, эндиги давр кино санъати қизиқарли сюжет тафсилотларини эмас, балки инсон руҳиятининг энг чигал, мураккаб, исмсиз манзараларини, онг остидаги эврилишларнинг зоҳирларидаги инъикосини акс эттириш йўлида изланаётир.

Фильм ҳақидаги бундай мулоҳазаларнинг ортида олим Шомирза Турдимовнинг кўп йиллик илмий изланиши, режиссёр Қамара Камолованинг ўзига хос таҳриба мактаби ва воқеъликни поэтик нигоҳ билан кўра олиш, уни экранга мослаштира билиш салоҳияти, оператор Рифкат Ибрагимовнинг экранда мусаввирларга хос тасвир ярата олиш маҳорати туради. Бир гуруҳ актёрлар ансамблининг бу учала ижодкорга билдирган ишонч ва умидлари эса самарасиз бўлмади. Айни вақтда «Йўл бўлсин» фильми ўзига ҳам, ўз актёрларининг ижодий юксалишига ҳам «оқ йўл» тилаб турибди.

Шоҳида ЭШОНБОБОЕВА

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ma'murjon PARPIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549

11250 nusxada bosildi

1 — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 22.35
1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda

Фанимиз фидойилари

ОДАМЛАРГА УМР УЛАШИБ

яшаб келаётган «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими», «Соғлиқни сақлаш аълочиси» Муродин Қодиров ҳақида сўз

Инсон умрини дарёга қиёслашади. Тўлиб, ҳайқириб оқувчи дарёга. Эл-юрт саломатлиги йўлида заҳмат чекиб, обрў-эътибор қозонмоқ бахти ҳам ана шундай дарёдил одамларга насиб этади. Дарҳақиқат, Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникаси бош шифокори Муродин Қодиров ҳақида шундай дейиш мумкин.

... У 1966 йили Чироқчида ўрта мактабни тамомлагач, Тошкентга йўл олди. Яхши ўқигани, қоларверса, тиббиётга меҳри баландлиги туфайли Тошкент тиббиёт институтига ўқишга кирди. Илмга чанқоқлиги боис бу даргоҳни имтиёзли диплом билан тугатиб, нормал физиология кафедрасида профессор М.А.Толкуновага шогирд тушди. Тинмай ўқиш, машаққатли илмий изланишлар самарасини берди. 1975 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У тиббиётнинг мураккаб йўналиши — жарроҳликка қизиқарди. Даволаш факультетининг жарроҳлик кафедраси мудири, профессор М.Ашрапова Муродинни шогирдликка олди. Икки йил устози билан мураккаб операцияларда қатнашиб, кўзи пишди. «Кўлим кеп қолди. Мустақил ишлай бошладим. Ҳеч эсимдан чиқмайди, биринчи бор беморни мустақил операция қилдим. Аммо... дастлабки хулоса оддий ошқозон яраси деганимиз «ҳунар» кўрсатди, у биз ўйлаганчалик оддий эмас эди. Ўйлаб ўтиришга вақт йўқ. Таваккалчилик қилиб ҳам бўлмасди. Шунда устозимнинг ўгитини эсладим: «Мен албатта уддалайман!» деб ўзингни ишонтир». Бу ишончни қандайдир юрак-юракдан ҳис этдим...

Унинг иш фаолияти жуда кўп оқ халатли кишилар сингари шу тариқа бошланди. 1980 йилда Тошкент шаҳар биринчи клиник шифохонасига бош шифокор ўринбосари, 1985-1989 йилларда Тошкент тиббиёт институтининг 2-клиникасида бош шифокор бўлиб ишлади.

Муродин Қодиров тўққиз йил Тошкент шаҳар клиник шифохонаси тиббиёт жамоасига етакчилик қилди. Ўша йиллари клиника қошида биринчи бўлиб куйганларни даволовчи марказ, кардиологик шошилинч ёрдам кўрсатиш бўлими, экстрогенитал патология бўлимларини ташкил этди. У қаерда ишласа ҳам янгилик яратишга интилди.

«Менга «Сизни академиянинг 3-клиникасига бош шифокор этиб тайинладик, яна тер тўкасиз-да» дейишганида, очиғи, кўнглим ғалати бўп кетди... Ўзимни узоқ сафардан уйига қайтаётган одамдай ҳис этдим.» У ёш боладай самимий кулади, кейин бир нуқтага ўйчан тикилиб: «Ўз уйим... тўғриси, бу маскан маънавий уйим, тиббиёт остонаси... Шу остонага не-не улуғ сиймолар, тиб илми алломаларининг табаррук пойқадами теккан». У ўзининг талабалик йиллари, устозлари, дўстлари... ҳаётнинг эгри-бўғри сўқмоқлари, барибарини бир-бир хотирлайди.

«Мен шу даргоҳда ўқиб, илм олдим. Шифокор деган шарафли касб эгаси бўлдим. Устозим, академик Зуфаров, 1969 йилда мени шу даргоҳда тадқиқотчи вазифасига ишга олиб қолганди... Нимага эришган бўлсам, чеккан заҳматларим, машаққатларим, ютуқларим, қувончу ташвишларим, барининг боиси — шу меҳнатда деб биламан...»

...Мен 25 йилдан буён билган, таниган инсоннинг умр дафтарида бундай унутилмас воқеалар бир дунё. Уларни бирма-бир ёзишга қоғоз етармикан? Бугун яъни олтмишинчи баҳорини қаршилаган инсон босиб ўтган йўлларни эслаб, уни яна гўё янгидан кашф қилгандайман. У эса бир гуруҳ шогирдлари қуршовида клиниканинг жарроҳлик бўлимига қараб шошилиб кетарди, беморларга ёрдам бергани, одамларга умр улашгани...

Саида САЙХУН

Танлов

Тошкент Автомобиль йўллари институти ректорати яқинда факультетлар ўртасида қизиқарли бир танлов ўтказди. «Замонавий раҳбар портретига чизгилар» деб номланган қўрик иштирокчиларига қўйилган талаблар ҳам жиддий эди. Яъни институтни тугатиб кетаётган ёш кадр қаерга бўлмасин, ишга боради ва вақти келиб, ўз соҳаси бўйича раҳбар бўлиб ишлайди. Хўш, бўлғуси раҳбарлар ўзларига қўйилган бугунги кун талабларини қай даражада уддалай олишди?

ҒОЛИБГА КОМПЬЮТЕР

Институтнинг тўртта факультети ўртасида ўтказилган бу танловни кузатган нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳам ғолибларни аниқлашда анча баҳслашишди. Чунки талабаларнинг турли хил чизма ва ёзма слайдлар асосида тайёрлаган махсус кўргазмалари ҳам барчани қизиқтириб қўйди. Ҳар бир соҳанинг ўзига хос жиҳатлари қамраб олингани, қолаверса, бугунги кун раҳбарининг маънавий дунёси, сиёсий савиясини ўлчовчи ҳаётий мезонлар жонли мисоллар асосида намойиш этилди.

«Замонавий раҳбар портретига чизгилар» деб номланган танлов ғолиби, деб институт терма жамоаси эълон қилинди. Ва уларга ректорат томонидан компьютер топширилди. Бошқаларга ҳам қимматбаҳо совғалар улашилди. Бу эса талабаларни замонавий билимларни эгаллашга бўлган иштиёқини кучайтириш билан бирга уларни эртанги ҳаёт синовларига тайёрлашда ҳам бир босқич вазифасини ўтайди.

Моҳинур ҚОДИРОВА

ЧИРОҚЧИДА ЯНГИ СТАДИОН

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан Чироқчидаги кўримсизгина стадион жуда қисқа муддатда қайта таъмирланди. Замонавий, барча қулайликларга эга бўлган ўйингоҳни «Машъал» футбол клубининг қурилиш участкаси қурувчилари қайта қуриб беришди. Бу хайрли ишга тумандаги тадбиркорлар, фермерлар, саховатли кишилар ҳам баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшишди. Қувонарлиси, келгусида «Машъал» болалар футбол мактабининг филиали ҳам Чироқчида иш бошлайди. Демак, ҳадемай чироқчилик ёшлар орасидан ҳам моҳир футболчилар етишиб чиқишига ишонамиз. Чунки бунинг учун шароит ҳам, имконият ҳам етарли.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни янги стадионнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Байрам тадбиридан ўрин олган турли спорт мусобақалари ва кўнгилочар томошалар кечга қадар давом этди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ

Спорт

ЭРКИН КУРАШЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ



Махачқалъа (Россия)да эркин кураш бўйича анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда айни пайтда Пекин олимпиадасига йўлланма берувчи йирик мусобақаларга ҳозирлик кўраётган мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари муваффақиятли қатнашишди. Дунёнинг ўндан ортиқ давлати курашчилари иштирок этган ушбу турнирда ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида учта олтин ва битта бронза медалини қўлга киритиб, биринчи ўринни эгалладилар.

Мазкур нуфузли мусобақада эркин курашчиларимиздан Дилшод Мансуров (55 кг.), Сослан Тигиев (74 кг.) ҳамда Артур Таймазов (120 кг.)лар олтин медаль билан тақдирланган бўлса, Сослан Дациев (84 кг.) шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

ҚАТАРЛИК ҲАКАМЛАР БОШҚАРАДИ

Beijing 2008

Футбол бўйича Пекин-2008 олимпиадаси саралаш учрашувлари Осиё минтақаси иккинчи босқич баҳслари 6 июнь куни якунланади. Мусобақанинг «F» гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси шу куни Яман футболчиларига қарши майдонга тушади.

Куни кеча Осиё футбол конфедерацияси гуруҳ босқичи сўнгги тур ўйинларини бошқарадиган ҳакамлар номини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон — Яман олимпиячилари ўйинини қатарлик ҳакамлар бригадаси бошқаради. Футболчиларни бош ҳакам сифатида Балидех Дор Мухаммад майдонга олиб тушса, унга Монд Иброҳим Али, Алманнойи Валид Султон ҳамда Абду Абдулраҳмон (захирада)лар кўмаклашадилар. Эронлик Иноят Маъсуд эса учрашув комиссари сифатида юртимизга ташриф буюради.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон — Яман Олимпия терма жамоалари учрашуви мамлакатимиз футбол федерацияси қарорига кўра, Самарқанд шаҳрида ўтказилади. Бу жамоаларнинг Сана шаҳрида бўлиб ўтган дастлабки ўйинида ҳамюртларимиз 1:0 ҳисобида зафар қучишганди.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2007 йилнинг 5,8,12,15,19,22,26,29 июнь ва 3,6,10,13,17,20,24,27,31 июль кунлари аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:

Юнусобод тумани, «Ҳасанбой» мавзесида жойлашган, сатҳи 0,04 гектардан иборат бўлган 2 та ер участкаси.

Ҳар бирининг бошланғич нархи — 416 000 сўм.

Мирзо Улуғбек тумани, Ш.Бурхонов кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 гектар бўлган ер участкаси.

Бошланғич нархи — 984 000 сўм.

Ер участкасининг бошланғич нархига ер участкаларини савдога тайёрлаш билан боғлиқ муҳандислик-геодезия ва лойиҳа ишларини бажаришга сарфланган харажатлар қўшилмаган ва бу харажатлар харидорлар томонидан қопланади.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Гувоҳнома №000815

Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази «Ўзбекистон овози» газетасининг 2007 йил 29 май сонида берилган Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси танлов савдолари ҳақидаги эълонда кўрсатилган Лот 1-3 қуйидагича ўқилишини маълум қилади: «Термиз туманидаги 820 ўринли 25-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш».

Тошкент геодезия ва картография техникуми томонидан 2000 йилда Байдуллаев Илҳомжон Бердиқулович номига берилган 404527 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон ХДП МК Ижроқўми Ҳайъати Тайлоқ туман партия кенгаши раиси Насимов Толибжонга падари бузруквори **НАСИМ ота**нинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.